Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 НОЯБРЬ, СЕШАНБА № 227 (725).
Сотувда эркин нархда. 1993 йил.

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий-амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига жўнаб кетди.

Тошкент тайёрагоҳида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

РЕСПУБЛИКАДА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки ва Россия банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари собиқ СССР-нинг амалда барча мамлакатларида муомаладан тўхтатилганлиги муносабати билан ва республикада ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек мазкур масала юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қўшимча равишда Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йилнинг ноябрь ойи учун навбатдаги иш ҳақи ва бошқа пул тўловлари шу йилнинг 29 ноябридан бошлаб тўлиқ «Сўм-Купонлар» билан тўланади.

2. 1993 йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида СССР Давлат банкининг 1991—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 200, 500 ва 1000 рубль бўлган қоғоз пулларини барча турдаги тўловларга қабул қилиш тўхтатилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қўлида муомалада бўлган мазкур қийматлардаги қоғоз пуллардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

а) 1993 йилнинг 1 декабригача — Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-сон қарорига мувофиқ (ушбу қарорнинг 1-иловасига кирмаган, қиймати 25 минг рублгача бўлган товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда);

б) Жамғарма банкининг ҳамма муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг доимий прописка-си бўлган фуқароларидан қуйидаги тартибда қабул қилинади:

— биринчи марта омонатга пул қўювчи фуқаролар учун пуллар 200 минг рублгача миқдорда — 1993 йил 4 декабргача қабул қилинади;

— шахсий счетлари бўлган фуқаролар учун 1993 йилнинг 1 декабридан 4 декабригача ўз омонатларини 200, 500, 1000 рубллик пуллар билан 200 минг рублга қадар етказиб тўлдиришларига рухсат берилади;

— 200 минг рублдан ошадиган маблағ 1993 йилнинг 4 декабрига қадар алоҳида махсус фоизсиз счётга чекловларсиз ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йилнинг 1 декабридан бошлаб СССР Давлат банкининг 1991—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 200, 500 ва 1000 рубль бўлган қоғоз пулларини муомалага чиқаришни тўхтатсин ҳамда корхоналар; бирлашмалар, ташкилотларинг шу қийматдаги қоғоз пулларнинг кассалардаги қолдиқларини топшириш тартибини белгиласин.

4. СССР Давлат банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган ғазна ва банк қоғоз пулларидан баравар тўлов воситаси сифатида чекловларсиз фойдаланиш борасида аввал белгиланган тартиб сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Марказий банки ва Жамғарма банки аҳолининг омонатларидан «Сўм-Купонлар» бериш тартиби ва муддатлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Жамғарма банки, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг ижроси устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1993 йил 1 декабрдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилиб, иш ҳақининг энг кам миқдори 24.300 сўм-купон;

фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ойига 24.300 сўм-купон миқдорида;

ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорини 1,5 баравар кўпайтириб, меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори ойига 26.300 сўм-купон қилиб белгилансин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар оширилиб, бунда талабалар ошхоналари ва буфетларидаги тушликлар қийматидан 50 фоизли чегирма сақлаб қолинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг маисаб окладлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар, бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ушбу Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига амал қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсиялар миқдори ушбу Фармонга мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур Фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишларига қараб, бундай манбалар вақтинча етарли бўлмаганда эса банк муассасалари томонидан аниқ мақсадни кўзлаб бериладиган кредитлар ҳисобига меҳнат ҳақини ошириш тавсия этилсин.

7. Ушбу Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 22 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, учишда хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро ҳаво қатновини йўлга қўйишдаги алоҳида хизматлари учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилари ва ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ходимларига Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Асадов Анвар Ҳалимтоевич — 1-учиш отряди ИЛ-62 самолётининг штурмани

Лебедев Анатолий Степанович — 1-учиш отряди ИЛ-62 самолётининг бортрадисти

Тян Валерий Николаевич — авиакомпания бош директорининг ўринбосари

БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Арапбоев Абдулла Рейимбоевич — учиш комплексининг директори

Атланов Виктор Владимирович — 1-учиш отряди 3-авиаэскадрильяси командирининг ўринбосари

Ли Анатолий Инсебович — учиш комплексининг бош штурмани

Луцук Владимир Остапович — 1-учиш отряди ИЛ-62 самолётининг командири

Солихонов Сойбхон — 1-учиш отряди ИЛ-62 самолётининг штурмани.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 ноябрь.

ФАРҒОНА вилоятининг Бешариқ туманидаги «Рапқон» хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40 центнерга етказиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Хўжаликда одамларни қўшимча иш ўринлари билан таъминловчи кўплаб ननिक корхоналар ҳам ташкил этилган. Бу тадбирлар жамоа аъзоларининг турмуш шароити фаровонлашувига жиддий таъсир қилмоқда. Хўжаликда янги уй қурувчиларга 10-15 йиллик тераклар арзон нархларда сотилмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) хўжалик консерва цехи бошлиғи Маъруфжон НУРМАТОВ ишчилар билан мулоқотда; хўжалик бошқаруви раиси (ўнгдан биринчи) Собиржон ПЎЛАТОВ меҳнат фахрийлари орасида.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР

ТЎЛАНБОЙ — ЗАВОД ЭГАСИ

ЁЗЁВОНЛИК Тўланбой Норматов шахсий сармоясига пахта тозалаш заводи қурди.

«ДЎСТЛИК» дея номланган бу кичик корхонага ишга жойлашган 50 дан зиёд туман ёшлари кунига 30 тонна пахтани қайта ишламоқда. Энди туман хўжаликлари етиштираётган хом ашё Қувага ташиб юрилмай, Тўланбой ҳожининг заводида қайта ишланади.

ТАНҚИС ҚОҒОЗ ХОРИЖДАН ОЛИНМАЙДИ

«ЎЗБЕКИСТОН қоғози» ҳиссадорлик корхонаси замонавий информатика воситалари учун керакли бўлган янги қоғоз турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Махсус қопламали бундай қоғоз ленталарни шу пайтгача хорижидан харид қилиб келтириларди. Энди корхона жамоаси янги шу хил қоғозга бўлган эҳтиёжини қондирса ажаб эмас.

ЖАНУБ ЛИМОНЛАРИ — ШИМОЛГА

ТЕРМИЗ яқинидаги Каттақум массивида барпо этилган 27 таноб лимонзор кутилгандан ҳам баракали ҳосил берди.

ЦИТРУСЧИЛАР ўтган йили 160 тонна лимон теріб олишганди. Бу йил 300 тоннани мўлжаллашяпти. Ҳосилнинг Сурхондарё вилояти ва Тошкент аҳолисидан ортгани Россия шаҳарларига жўнатилади. Мақсад — у томонлардан иморатбоп ёғоч ва деҳқончилик учун полиэтилен плёнкалар олиб келиш.

МОЗИЙДАН МАЪЛУМОТ БЕРАДИ

ИЧОН ҚАЛЪАДА жойлашган Авлиё биби шоҳзода мажмуида олиб борилган тадқиқот ишлари самарали бўлаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Хива археологик экспедицияси аъзолари бу ерда еттинчи ва ўн тўртинчи асрларга тегишли турли сопол синиқлари, номаълум йигит қабри ва бошқа ёдгорликларни топишди. Қадимий шаҳарнинг 2500 йиллиги арафасида мозийдан дарак берувчи бундай осори атиқаларнинг топилиши Хива тарихини яратишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИДА ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР

АНДИЖОН давлат университети қошидаги «Мерос» илмий-маърифий маркази «Бобурни излаб» китобини нашр этди.

ЎН ТЎРТ кишидан иборат халқаро илмий гуруҳ ўтган йили Бобур қадамжолари бўйлаб сафарга чиқиб, шоир ҳаёти ва фаолиятига оид янги тарихий ҳужжатлар топган эди. Университетнинг Ватан тарихи кафедраси мудири, профессор Рустамбек Шамсиддинов ана шу ҳужжатларни жамлаб, китоб ёзди.

ГОЛЛАНДИЯ КАРТОШКАСИ НАВОИДА ЎРНАШДИ

ГОЛЛАНДИЯНИНГ «морфона», «аяк», «конкорд» картошка навлари Ўзбекистон шароитига тез мослашиб, яхши ҳосил бермоқда.

НАВОИЙ кон-металлургия комбинатининг «Дўстлик» давлат хўжалиги бу навларни амалда синаб кўрди. Картошка етиштиришга ихтисослашган дунёдаги энг йирик «Агрико» фирмаси билан хўжалик ўртасида уч йил муддатга тузилган шартнома муваффақиятли амалга оширилмоқда.

БУ ЕРДА ТЕЗ СОҒАЙИБ КЕТАСИЗ

ВУХОРО амирининг ёзги қўшки бўлган «Ситораи моҳи ҳосса»да 30 йилдан бери мамлакатда ягона буйрак хасталигини даволаш санаторийси ишлаб турибди. Бу ерга Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам кўплаб беморлар шифо излаб келишади. Санаторийда ҳар йили ўн минг киши дардига даво топиб қайтади.

СУРАТДА: ҳамшира Фазилат Авизова жисмоний даволаш хонасида сеанс ўтказмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР ✻

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲОКИМЛИКЛАРИ, МАҲАЛЛА ҚУМИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАР ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз фарзандларимиз!

Сизларга ота-оналарингиз, қариндош-уруғларингиз номидан мурожаат қиляпмиз. Чунки сизнинг тимсолингизда биз она юртимиз — мустақил демократик Ўзбекистоннинг ҳақиқий ҳимоячиларини кўрамиз.

Яқинда Ўзбекистон халқи ўз Ватани мустақиллигининг икки йиллигини тантанали равишда нишонлади. Бу — мислсиз тарихий воқеадир. Ўзбекистон маънавий қадриятларни қайта тиклаш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Ватанимизнинг халқаро майдондаги одимлари кундан-кунга ишонч касб этмоқда, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътибори тобора ортмоқда.

Азиз ҳимоячиларимиз!

Ҳаммамизнинг энг катта бахтимиз шуки, қадимий ўзбек заминида турли миллат вакиллари тинч ва тотув ҳаёт кечириб, меҳнат қилмоқдалар. Айрим давлатларда сиёсатчилар ҳокимият талашиб, инсон қони тўкилаётган бир пайтда бизнинг мамлакатимиз бунёдкорлик йўлидан шаҳдам одим отмоқда. Зиммасига муқаддас ўзбек тупроғида яшаётган кишиларнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли вазифа юклаган навқирон Қуролли кучларимиз вакиллари бўлмиш сиз, азиз фарзандларимизга умид кўзимизни тикканмиз!

Сизларни жонажон Ватанингизни ёниқ меҳр билан севишга, қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашга ва профессионал тайёргарлик савиясини оширишга даъват этамиз.

Биз ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирларига мурожаат қилиб, уларни ҳарбий хизматдаги ёшларни тарбиялашда ўзбек халқи ҳамда мустақил давлатимизда истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг бой анъана ва урф-одатларидан кенг фойдаланишга даъват этамиз. Қўл остиингиздаги аскарларга ибратан талабчанлик билан бир қаторда ғамхўрликни ҳам намоён қилинг, уларнинг ҳар бирида бир инсонни кўринг. Бу — ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтиради.

Биз сизларга мурожаат қиламиз, азиз фарзандларимиз. Матонатли бўлинглар, ҳарбий ҳунарни ўрганишдан толманглар, командир ва бошлиқларингизга, бир-бирингизга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлинглар. Ватанингизга муносиб тарзда, шараф билан хизмат қилинглар. Турмушдагидек, ҳарбий хизматда ҳам қийинчиликлар, машаққатлар бўлади, албатта. Ҳақиқий мард кишилар бу қийинчилик ва машаққатларни буюк аждодларимиз сингари мардона енгиб ўтади.

Биз сизларга ишонамиз, азиз фарзандларимиз ва акаукаларимиз. Бизнинг умид кўзларимиз сизларга қадалган. Буни ҳеч қачон унутманглар, азизларимиз! Барчамизнинг мақсаду вазифамиз битта — Ватанимиз Ўзбекистон Республикасининг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Биз кўплаб меҳнат ва ҳарбий жамоалар, жамоатчиликнинг Қуролли кучлар кунини таъсис этиш ҳақидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаймиз, шунингдек, сизлар мардона меҳнатингиз билан Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишингизга ишончимиз комил!

Мурожаат 1993 йил 14 ноябрь куни вилоятлар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафлари билан учрашувида қабул қилинган.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтди.

Тошкентлик меҳмоларнинг байрам ниҳоясида «Катекс» ҳиссадорлик жамияти ходимлари, Бердах номидаги Нукус давлат педагогика институти талабалари билан учрашувлари айниқса асда қоларлик бўлди. Байрам иштирокчилари, шунингдек И. Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат музейига ҳам ташриф буюриб, нодир асарлар билан таништилар.

Байрам кунларида Нукусдаги кўргазмалар залида тошкентлик мўйқалам усталари асарлари кўргазмаси очилган эди. Кўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Бердах номидаги театрда Тошкент шаҳри маданияти кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тантанали кеча Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА—ҚҚАА).

Фарғона воқеалари қайта такрорланмайди

ҒИРРОМ СИЁСАТЧИЛАР БУНГА АСЛО УРИНИБ, ОВОРА БЎЛМАСИНЛАР

Мустақил Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатдаги бош йўлини аниқлаб олган. Бу йўл — барча мамлакатлар, жумладан Россия билан ҳам дўстона, тинчлик-тотувлик муносабатлари йўлидир. Республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда мудофаа масаласи бўйича алоқалар ҳар икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалага жиддий, масъулият билан қарайдиган сиёсатчилар буни тушунади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасида давлат раҳбарлари иштирокида ҳам, бошқа доираларда ҳам ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга доир доимий мулоқотлар бўлиб турибди. Шундай бир шароитда Россия ташқи ишлар вазири А. Козиревнинг яқинда Тошкентга қилган сафари, унинг бу сафардан мақсади хусусида айрим электрон оммавий ахборот воситалари тарқатган ахборот кишини ўйга толдиради.

Хўш, А. Козирев 15 ноябрь куни Тошкентга нима мақсадда келган эди? Бу сафар тўғрисида миш-мишлар кўпайиб кетди. Бу миш-мишларнинг тарқалишига, айниқса, «Останкино» телеканали билан «Маяк» радиостанцияси катта ҳисса қўшишди. Улар тарқатган хабарларга қараганда, А. Козирев Тошкентга фақатгина Россияга кетиш истаги билан яшаётган русийзабон аҳолини ҳимоя қилгани келган эмиш. Гўё русийзабон аҳоли Тошкентдаги Россия элчихонасининг турмиини бузаётган эмиш-у, А. Козирев Тошкентга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан шу масалани муҳокама қилгани келган эмиш.

Миш-мишлар, майли, ўз йўлига, Ҳақиқий, расмий ахборотга мурожаат қилайлик. Шу ўринда А. Козиревнинг «Правда Востока» газетасининг ўтган сонида босилган «Россия — Ўзбекистон: келажакдаги ҳамкорлик йўли» материалида келтирилган баёнотини эслатиб ўтишга тўғри келади. Бу баёнотда русийзабон аҳолининг тақдиридан ташвиш, бундай ташвиш учун асос бўладиган гапнинг ўзи йўқ.

Тошкентга келиши билан А. Козирев мана бундай деди:

— Тошкентга келишдан мақсадимми? Ўзбекистоннинг, Президентингиз Ислом Каримовнинг бу минтақада, Россия билан алоқаларда, ҳатто айтган бўлардимки, халқаро майдонда тутган ўрни очиқ-ойдин кўринибтурибди. Бу сафардан мақсадимиз анъанавий алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат. Мен Президентдан (Б. Н. Ельциндан — таҳририят) келажакда Тошкент билан ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида аниқ топшириқ олганман.

Тошкентдаги сафари тугаб, Алматига учиб кетиши олдидан А. Козирев ўзининг Ислом Каримов ва республиканинг бошқа раҳбарлари билан музокаралари ўзаро ҳамкорликнинг ҳар икки томонга маъқул шаклларини топиш, шуниндек, 1992 йил май ойида тузилган мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш борасида сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий жиҳатдан қилинажак ишлар хусусида борганини айтди. Бу шартноманинг олтинчи моддасида турли соҳалардаги умумий манфаатларга оид икки томонлама битимлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Айниқса, мамлакатларимиз миллий валютаси алоҳида бўлганидан кейин молиявий масалаларга аниқлик киритишга эҳтиёж туғилди.

Андрей Козиревнинг гапидан Россиянинг бу масала бўйича тутаётган йўли унчалик тўғри эмаслиги, бу йўлнинг танқид қилса бўладиган томонлари бор экани англашилиб турарди. Сўнгра у МДҲнинг жанубий чегарасини биргаликда ҳимоя қилиш, Тожикистон раҳбариятига мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш хусусида кўмаклашиш ва бу мамлакат халқига ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинганини гапирди. Музокараларда Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеяси сессиясида ўртага ташлаган ташаббусларни ҳисобга олган ҳолда, БМТ доирасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, МДҲ доирасидаги кўшма ташаббуслар муҳокама қилинган

Андрей Козирев яна бундай деди:

— Музокараларда русийзабон аҳоли билан боғлиқ масалалар ҳам анча ўрин олди. Аммо шуни айтишим керак-ки, бизнинг масала юзасидан босиқлик билан фикр юритдик. Президент (Ислом Каримов — таҳририят) Ўзбекистонда ҳеч қачон русийзабон аҳолига қарши қаратилган давлат сиёсати бўлмайди, деди. Демак, биз бу масаланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашимиз лозим. Шартномада, хусусан, унинг олтинчи моддасида бу масалага алоҳида тўхталганимиз. Бундан кейинги музокараларимиз ҳам шу йўлда бориши керак.

Россия ташқи ишлар вазирига муҳожирлик сиёсати масалаларини ишлаб чиқишга қандай қарайсиз, деган савол берилганида, у шундай жавоб қилди:

— Ҳа, бу масала ҳам муҳокама қилинди. Олдин айтганимдек, шартноманинг олтинчи моддаси ҳуқуқий муҳофаза, консуллик хизмати ва муҳожирлик масалалари бўйича кафиллик бера оладиган битимлар тузилишини назарда тутади. Битимлар лойиҳаси анча олдин тайёрланган, мутахассислар гуруҳини тузиб, ишни тезлатишга, хуллас, масалани муайян тарзда ҳал қилишга келишиб олганмиз.

(Турли талқинларга чек қўйиш мақсадида А. Козиревнинг гаплари диктофондаги ёзув бўйича келтириляпти.)

Хўш, А. Козиревнинг юқорида келтирилган сўзларида нима ҳақида гап боради? Гап иккала томонни қизиқтирадиган жуда кўп масалалар хусусида боради. Бу масалалардан бири — иккала мамлакатнинг ҳам турар жойини ўзгартирмоқчи бўлган фуқароларини, хусусан, Ўзбекистоннинг Россияга кетмоқчи бўлган русийзабон аҳолисини ҳуқуқий асос билан таъминлашдир.

Бу масала — ҳақиқатан ҳам долзарб, нафақат Россия билан Ўзбекистон, балки барча мамлакатда юзага чиқаётган, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, албатта. Чунки одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши — табиий жараён. Кўчишнинг турли сабаблари бор: кимдир иш қидириб, кимдир қариндош-уруғига яқинроқ бўлай деб, кимдир эса — шунчаки, ҳойи-ҳавас туфайли кўчади. Буюк ёзувчи Эрнест Хемингуэй гоҳ Парижда, гоҳ Мадридда, гоҳ Римда, гоҳ Найробида, гоҳ Кубада яшади, аммо бундан ҳеч ким АҚШда инглиззабон аҳоли оғир аҳволга тушиб қолди, деган хулосага келгани йўқ.

Бироқ, ҳақиқат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, аҳолининг кўчиши камайишини эмас, аксинча, кўпайишини истаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Бизни рубль маконидан суриб чиқаришнинг ўзиёқ кўп нарсаларни ойдинлаштириб турибди.

Хуллас, у жойдан бу жойга кўчиш жараёни илгари ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Шундай экан, ёш мустақил давлатлар, хусусан, Россия билан Ўзбекистонда ҳам аҳолининг кўчиш жараёни билан шуғулланадиган ташкилотлар тузилиши, дунёнинг ҳар бир мамлакатида бўлгани каби, бу жараённинг ҳуқуқий масалалари ҳал қилиниши лозим. Бундай ташкилотларни тузиш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишнинг энг такомиллашган усули — ўзаро келишув ва маслаҳатлардан иборат.

А. Козиревнинг Тошкентда айтган гапларига қараганда, унинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан музокараларида бу масалалар айнан шу тахлитда муҳокама қилинган. Демак, «Останкино» ва «Маяк» кўтараётган шов-шувларга ўрин йўқ. Бу кўрсатув ва эшиттиришларнинг гапи миробнинг сув ўлчаётганини кўриб, оламни сув оларкан, дея ваҳима қилишга ўхшаб кетади.

Шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, Ўзбекистонда қочқинлар муаммоси йўқ. Кўчиш — ҳаёти таҳлика остида қолган одамларнинг қочиши ёки миллий хусусиятлар туфайли қувғин эмас. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон қадриятлар ичида энг улуғлари — инсон, тинчлик ва миллий тотувлик, ўз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришига асосий аҳамият беришини айтишдан чарчамайди. Шунинг учун миллатидан қатъий назар — ҳамма бир. Бу фикр — Конституциямизда ҳам қайд этилган бўлиб, турмушда ҳам изчил амалга ошириляпти.

Русийзабон фуқароларнинг камситилиш ҳоллари йўқ. Республикамизда истиқомат қилаётган ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, украинлар ҳам, татарлар ҳам, яҳудийлар ҳам, тожиклар ҳам, арманилар ҳам, немислар ҳам ва бошқа барча миллат вакиллари бир-бирига оға-ини деб қарайди. Ўзбекларнинг илдизи узоқ асрларга кетадиган, Улуғ Ватан уруши даврида айниқса яққол намоён бўлган бағрикенглиги, меҳрибонлиги, меҳмондўстлиги бугунги кунга келиб камайиб қолгани йўқ.

Таҳририятимизда мана бундай воқеа юз берди. Ходимимиз бир халта шафтоли кўтариб келди. «Қанчадан олдингиз?» деб сўрадик. «Ҳаммасини бир дона сигаретга олдим», деди у. Олдинига ҳазиллашаяпти, деб ишонмадик. У бўлган воқеани гапириб берди. Тошкентнинг чекка бир маҳалласидан қайтаётган экан. Девордан кўчага осилиб турган шафтолига қараб, маҳлиё бўлиб қолибди. Уни кузатиб турган уй эгаси, ёш йигит: «Олинг, отахон, узиб енг», дебди. Ҳамкасбимиз шафтолидан узиб ебди. Йигит ҳам олдига чиқибди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди, чекишибди. «Уйга кирамиз, отахон, чой ичамиз», дебди йигит. «Бошқа пайт кирарман, ҳозир ишга шошяпман», дебди ҳамкасбимиз. Йигит: «бўлмаса шошмай туринг», дебди-да, уйга кириб кетибди ва... бир халта шафтоли кўтариб чиқибди...

Бу бир арзимаган гапга ўхшаб кўринади. Аммо «Останкино» билан «Маяк»даги ҳамкасбларимизга алоҳида айтиб қўйишимиз керакки, бизнинг ҳамкасбимиз рус, унга шафтоли бериб юборган йигит ўзбек эди.

Мана, бошқа бир мисол. Бу воқеа иштирокчилари сохта ташвиқотга ўхшаб кетмаслиги учун фамилияларини ошкор қилмаслигимизни сўрашди. Бироқ қизиққан кишиларга айтиб қўйишимиз мумкин: уларнинг фамилияси таҳририятда бор.

Хуллас, қулоқ солинг. Тошкент туғуруқхоналаридан бирида иккита чақалоқ туғилади. Марина қиз туғади, Зулфия — ўғил. Туғилиш жараёни оғир кечади— Зулфиянинг юраги бардош бермайди...

Марина ўйлаб ўтирмасдан ўзининг қизи Анастасия билан бирга Зулфиянинг ўғли — Набини ҳам эмизаверади. Кейин туғуруқхонадан уйига олиб кетади. Ҳозир чақалоқлар тўрт ойлик бўлди. Бундай воқеаларни Ўзбекистонда ҳар куни минглаб кузатиш мумкин. Ўзимизнинг ҳам ўзбеклардан дўстимиз кўп. Республикадаги ҳар уч оиладан бири бошқа-бошқа миллат вакилларидан иборат.

«Правда Востока» газетасида Темур Низаев ишлайди. Унинг отаси — тожик, онаси — рус. Хотинининг отаси — ўзбек, онаси — татар. Хўш, уларнинг ўғли қайси миллатга мансуб? Умуман, бу савол қаёқдан пайдо бўляпти?

Айрим одамлар учун жўнгина ўзбеклар, биз учун эса — дўст, ўртоқ, устоз, шогирд, қариндош бўлган одамларнинг бошқалар билан дўстона, тотув яшай олмаслиги тўғрисидаги фикр хаёлга ҳам келмайди. Бу фикрни тушунмаган одам, умуман, ҳаётда ҳеч нарсанинг фарқига бормайди, деб ўйлаймиз. Ўзбекистондан кетмоқчи бўлган русийзабон кишилар Россия элчихонасини «ишғол қиляпти», деб ваҳима кўтараётганларнимани тушунади, деб ўйлайсиз? Одамларнинг элчихонага мурожаат қилиши, хусусан, кўчиш масаласида ҳам мурожаат қилиши —табиий ҳол. Бунинг нимаси ёмон экан? Яқинда ҳаммамиз ягона мамлакат фуқаролари эдик. Ҳозир вазият ўзгарди. Россиядан чиққан кўп киши ўзига: «Мен Россия учун кимман?» «Бундан кейин Россия билан қандай алоқада бўламан?», «Қандай қилиб Россияга борсам экан?» деган саволларни бериши табиий.

Одамларнинг бу масалаларни ҳал қилишига кўмаклашиш, умуман бу мураккаб муаммони тезроқ ечиш учун, А. Козирев Тошкентдан жўнаб кетаётиб айтганидай, икки томонлама битимларни ишлаб чиқишни тезлаштириш, муаммони муайян тарзда ҳал қилиш зарур.

Бу масала атрофида ўринсиз шов-шув кўтариш, уни сунъий тарзда бўрттириш эса ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаслигини унутмаслик лозим.

Хўш, А. Козиревнинг Тошкентга сафари натижаси сифатида кўтарилган бу шов-шувдан мақсад нима? Ундан ким манфаатдор? Бу шов-шувдан бошқалар эмас, биринчи навбатда Ўзбекистондаги русийзабон аҳолининг ўзи ютқазади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, русийзабон аҳоли мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни таранглаштиришдан ҳеч қандай манфаатдор эмас.

Эҳтимол, бошқа мамлакатга қарашли дипломатик идора фаолиятини баҳолаш унчалик одобдан эмасдир, аммо шу ўринда Россия элчихонаси олдида одамларнинг навбат кутиши масаласи — шу дипломатик идора ходимларининг иши экнини айтиб ўтишга тўғри келади. Қабулга келган одамларни ўз вақтида рўйхатга олиб, маслаҳат бериш вақтлари аниқ белгилаб қўйилса, одамлар қачон элчихона ходимлари назарига тушарканмиз, деб бу ерда уймалашмас, бу масала юзасидан шов-шув ҳам кўтарилмас эдими...

Элчихонага келган одамларни санаб, бу ерга ҳар куни қанча одам келганини қайд этишдан ташқари, уларга инк дўст мамлакатнинг сиёсатини, бу мамлакатларнинг жуда кўп манфаатлари умумий эканини ҳам тушунтириб бориш лозим эмасми? Назаримизда, элчи бошлиқ катта дипломатик гуруҳнинг асосий иши шундан иборат бўлиши лозим.

Одамлар Ўзбекистондан кетаётганигина йўқ, келяпти ҳам. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида республикага 50 минг одам келгани қайд этилган. Келаётганлар ўзбекларгина эмас (шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кетаётганлар орасида ҳам ўзбеклар талайгина — бу ҳол республикада одамларнинг кўчиши «миллий» белги билан ўлчанмаслигидан далолатдир), руслар, қозоқлар, украинлар, белоруслар, корейслар ҳамдир.

Ўзбекистонда яшаш осонроқ ва хавфсизроқ экани туфайли кейинги пайтда Россиядан қайтиб келган одамлар сони маълумми? Афсуски, ҳеч ким бунинг ҳисоб-китобини қилгани йўқ. Бироқ биз жуда кўпчилик қайтиб келаётганини биламиз. Улар орасида руслар ҳам, бошқа миллат вакиллари, месхети турклари ҳам бор.

Россия ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга сафари тўғрисида нотўғри ахборот бериб, шов-шув кўтарганлар тан оладими-йўқми, уларнинг бу иши ҳам, Москвадаги кўпчилик оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонга қарши қаратилган «холис» хабарлари сингари, ўзбекларгагина эмас, русларнинг ўзига ҳам қарши қаратилган ишдир.

Бу сиёсий қўғирчоқ театрида ҳеч кимга кўринмай, ип тортиб қўғирчоқ ўйнаётганларни Ўзбекистондаги русларнинг аҳволи қизиқтираётгани йўқ. Улар ўзбекларнинг ҳам ғамини еяётгани йўқ, албатта. Уларнинг асосий мақсади — Ўзбекистондаги осойишта вазиятни бузиш, анъанавий ва қудратли ҳамкорликни Россия билан алоқаларни издан чиқаришдан иборат.

Мана шунинг учун ҳам, республикада миллий инзо туғдириш мақсадидагина улар «рус картаси»ни ўртага ташлаяпти. Бу ғирром ўйин туфайли Ўзбекистонгина эмас, Россия ҳам жабр кўриши мумкинлиги билан уларнинг иши йўқ. «Инсон қони сув эмас», деган эски, доно ақидани улар ё билмайди, ё унутиб қўйишган.

Ниҳоят, сўнгги гап. Биз ҳеч нарсани жўнлаштирмоқчи эмасмиз, Муаммо ҳаммага етиб ортади. Аммо шу туфайли вазиятни сунъий тарзда таранглаштириш, одамлар юрагига ғулғула солиш шартми? Сиёсатчиларнинг донолиги уларнинг одамлар эҳтиросини ловуллатишда эмас, бу эҳтирос оловини ўчиришида намоён бўлади. Биз бир нарсани аниқ биламиз: Ўзбекистон шу пайтгача миллатидан қатъи назар ўз фуқароларига Ватан, байналмилал республика бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Истибдоддан қутулиб, мустақилликни қўлга киритган халқ бошқа халққа зулм ўтказмайди, уни хўрламайди. Ўзбекистон халқи «йўқ, Каримов ҳам, у сунган халқ ҳам ҳеч қачон миллатчилик йўлидан бормайди... Биз ҳақиқий инсон миллатчи бўлмаслигини яхши биламиз», деган Президентига ишонади ва унга эргашади. Барча миллат ва элат вакилларига нисбатан адолатли тарзда муносабатда бўлиш — республикамизда маънавият ишига айланган.

Кимлардир Фарғона воқеалари қайтарилишини жуда-жуда истаётгани аниқ. Аммо Фарғона воқеалари энди қайтарилмайди. Биз ўзбегу рус, украину тожик, барча миллат бир бўлиб, бунга йўл қўймаймиз. Барча — қўлида ҳокимият бор сиёсатчи ҳам, оддий меҳнаткаш ҳам — бутун Ўзбекистон халқи бир тан-бир жон, оға-ини, опа-сингил бўлиб, бу воқеаларнинг такрорланишига йўл қўймайди!

Р. САФАРОВ,
«Правда Востока» газетасининг бош муҳаррири.

О. ФИЛИМОНОВ,
«Правда Востока» газетаси шарҳловчиси.

Ўзбекистон ва жаҳон

ДАДИЛ ҚАДАМ

ЯҚИНДА Голландиянинг Гаага шаҳрида ирригация ва дренаж бўйича XV халқаро конгресс бўлиб ўтди. Нидерландлар Қироллиги сув хўжалиги бош дирекцияси таклифига биноан ушбу анжуманда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдик. Конгрессда дунёнинг 65 давлатидан 1200 делегат иштирок этди. Жаҳоннинг Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Испания, Хитой сингари йирик ва тараққий этган мамлакатлари вакилларининг иштироки анжуманга алоҳида бир нуфуз бахш этди. Собиқ СССР республикалари ичидан ушбу халқаро анжуманга фақат Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Голландияга расмий дўстлик ташрифидан кейин икки давлат ўртасида ўзаро муносабатлар тез ривож топа бошлади. Бизнинг халқаро конгрессга таклиф этилганимиз ҳам ушбу ташрифнинг амалий мевасидир. Конгрессниг асосий вазифаси XXI аср сув хўжалиги, суғориш ва мелиорация муаммоларини муҳокама қилиб, чуқур илмий асосга эга таклиф ва тадқиқотларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш ва шу масалалар бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат эди. Конгрессга турли мамлакатлар мутахассисларининг 200 дан ортиқ маърузалари тақдим қилинди.

Анжуманнинг иккинчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси номидан «Марказий Осиё регионда суғориш ва дренаж муаммолари» ва «Орол денгизи ҳавзасида сув ва экологик муаммолар» ҳақида маъруза қилдим. Маърузаларимиз конгресснинг барча қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг сув хўжалигига ва мелиорация ходимлари олиб бораётган ишларга юқори баҳо беришди. Ирригация ва дренаж бўйича Халқаро Конгресс президенти Д. Хеннеси ўзининг якунловчи нутқида бизнинг ҳудудимизда тўпланиб қолган муаммоларга алоҳида тўхталиб, барча давлатларни, халқаро ҳамжамиятни Орол бўйида вужудга келган вазиятни яхшилашга амалий ёрдам беришга чақирди. Ушбу нуфузли ташкилот дастурига Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш бўйича алоҳида бўлим киритилгани бизнинг муваффақиятимиз бўлди.

Анжуман давомида кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассислар, олимлар, Голландия сув хўжалиги раҳбарлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг сув хўжалиги ва фермер хўжаликларини ташкил этиш соҳасида олиб борётган ишлари, тажрибалари билан танишдик. Бу суҳбатлар ва Голландия қишлоқ хўжалиги билан танишиш давомида ўрганса арзийдиган талай тажрибалар ҳақида баъзи бир хулосаларга келдикки, қуйида шулар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Голландияда янги ер ўзлаштиришни давлат амалга оширади. Ерни ўзлаштириб, барча қурилиш ишлари якунлангандан сўнг янги майдонларнинг 70—90 фоизида давлат фермалари тузиладн. Бу фермалар 10—12 йил ичида давлат маблағи ҳисобидан фермерларга ижарага берилади. Масалан, Ғарбий Флеволанднинг 54 минг гектар ери 1957—1976 йиллар ичида, Жанубий Флеволанднинг 43 минг гектар ери эса 25 йил мобайнида ўзлаштирилган бўлиб, шулардан 20 минг гектари давлат ихтиёрига ва ўрмон майдонлари учун қолдирилган. 3 минг гектарини эса йўллар ва коммуникациялар эгаллаган. Шаҳар, посёлкалар ва бошқа инфраструктура объектлари қурилишига 20 минг гектар ер ажратилган. Давлат фермалари 14 минг гектар майдонда жойлашган. 40 минг гектар ер эса 10 йилдан 40 йилгача бўлган муддат билан фермерларга ижарага берилган. Бу майдонда 40 гектардан 60 гектаргача ери бўлган 800 фермер хўжалиги ташкил этилган.

800 фермер хўжалигидан фақат 50 таси ерни сотиб олган. Қолганлари ҳар гектар ерга 700—800 гульден ҳақ тўлаб ижарага олишган. Шахсий мулк қилиб ер сотиб олувчилар бир гектар майдонга 50 минг гульден тўлашар экан. Сув билан таъминлаш ва таъмир ишларини сув хўжалиги органлари амалга оширади. Бу ишлар учун фермерлар рамзий маънода, бор-йўғи йилига 100—180 гульден тўлашади.

Фермер хўжаликларида минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари сақланадиган омборлар йўқ. Бундай нарсаларни фермер телефон орқали буюртма бергандан сўнг ўз вақтида етказиб беришади.

Беш кишидан иборат фермер оиласининг даромади ва иш тартиби ҳам ўзбек фермерларида қизиқиш уйғотса керак. Барча солиқлар тўлаб бўлингандан сўнг бир гектар ердан ўртача 1000—1200 гульден фойда олинади. 60 гектар ердан эса даромад кўрсаткичи йилига 70—82 минг гульденни ташкил қилади. Фермер йилига 2—3 кун байрамларда дам олади, холос. 15 декабрдан 15 февралгача бўлган вақт оралиғи иш бироз камайган давр ҳисобланади. Бу пайтда фермер ва унинг оила аъзолари кунига 6—7 соат ишлайдилар. Қолган вақтда эса иш куни 12—13 соатга чўзилади. Фермер мавжуд техникани ўғли билан бирга ўзи таъмирлайди. Чунки устахонада бир соатлик таъмирлаш ишлари учун 60—70 гульден (30—40 АҚШ доллари) тўлаш керак.

Пиёз ва картошкани сақлайдиган махсус омборлар йўқ. Фермерлар ҳосилни бир жойга тўплаб қуритишади.

Голландия Европанинг шимолида жойлашган бўлса-да, табиий иқлими деҳқончилик учун жуда қулай.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи давлат органлари, илмий тадқиқот масканларининг асосий вазифаси ҳукуматнинг аграр сиёсатдаги устивор йўналишларини аниқлаш, уруғчилик, наслчилик, истиқболни белгилаш, ернинг унумдорлигини сақлаш, бозорни ҳимоя қилиш, фермерларга маслаҳат ва мадад бершдан иборат.

Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, Нидерландлар Қироллигида одамларга ҳизмат кўрсатиш соҳалари жуда тараққий этган. Жумладан, фермерларга ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Улар бирор-бир ортиқча иш ёки ташвиш билан банд бўлмайдилар. Шу боис қишлоқ хўжалик экинларидан, чорвачиликдан юқори сифатли ва кўп маҳсулот етиштиришади.

Яна конгресс ишига қайтадиган бўлсак, анжуманда халқаро экологик ва табиатни асраш жамғармалари ишига ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, Иордан, Ҳинд, Нил ва бошқа дарёларни асраш бўйича давлатлараро комиссияларга катта маблағ ажратилаётганлиги бизни ҳам тезроқ шундай ташкилотларга аъзо бўлишга ундайди. Сув муаммолари билан шуғулланувчи турли ташкилотлар бир йил давомида 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ олмоқдалар.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда сув муаммолари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Бизниг бундай йирик халқаро конгрессда иштирок этишимиз, айниқса республикамизнинг собиқ Иттифоқ жумҳуриятлари ичида биринчи бўлиб Ирригация ва дренаж халқаро конгрессига аъзо бўлиши халқ хўжалигимизнинг шу тармоғи учун катта воқеа бўлди. Орол муаммоси барчамизни ташвишга солаётган бир пайтда бундай йирик халқаро ташкилот диққатининг ушбу масалага қаратилгани тўғри иш бўлди, деб ўйлаймиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро сув хўжалигн ташкилотлари томон ташлаган илк қадамлари хайрли бўлади, деган умиддамиз.

Рим ГИНИЯТУЛЛИН,
Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Унда пул ислоҳоти амалга оширилаётган ҳозирги шароитда нақд пулларни ғайриқонуний равишда республикага олиб келиш ва товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш билан боғлиқ жиноятларга амалдаги қонунга биноан қатъий жазо чораларини қўллаш масаласи кўрилди. Қуйида пленумнинг мазкур масала юзасидан қарори эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Қарори

РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШ ВА РЕСПУБЛИКАГА НАҚД РУБЛЛАРНИ ОЛИБ КЕЛИШ ТАРТИБЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пленум пул ислоҳоти амалга оширилаётган шароитда республика ҳудудига 1961-1992 йиллар нусхасидаги нақд рубларни ғайриқонуний равишда олиб келиш, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш тартибларини бузиш жамият учун катта хавф туғдиришини, иқтисодиётга ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зарар етказишини таъкидлайди.

Суд амалиётини ўрганиш тергов органлари ва судлар кўп ҳолларда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи амалдаги қонунларни тўла равишда қўлламаётганини кўрсатди. Кўпинча ана шундай жиноий ишларнинг ташкилотчилари, ёрдамчилари, уларга имконият яратиб берган, божхона чегараси орқали нақд рубларни, наркотик воситаларни, қуролларни олиб келишнинг, товар-моддий бойликлар четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чорасини кўрмаган мансабдор шахслар жазоланмасдан қолмоқда. Иш ва материалларни кўриб чиқишда саноқларникка йўл қўйиш, айбдорларга нисбатан асоссиз равишда енгил жазо тайинлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Пленум **қарор қилади:**

1. Судларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «сўм-купон»лар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1961-1992 йиллар нусхасидаги нақд рубларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш тақиқланган тушунтирилсин. Ушбу норматив актни бузишни валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш деб баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-1-моддаси билан квалификациялаш лозим.

Шу қарор билан нақд рубларнинг муомалада бўлиш ва уни фуқароладан қабул қилиш тартиби белгиланган. Банк муассасалари, савдо, корхона ва ташкилот ходимлари томонидан бу тартибларни бузишни ҳам Жиноят кодексининг қайд этилган моддасига биноан, зарур ҳолларда мансабдор шахс томонидан ўзининг хизмат мансабини суиистеъмол қилиш деб баҳолаш керак.

Ушбу туркумдаги ишларни кўришда судлар айбдор мансабдор шахсларни товар-моддий бойликларни тасарруф қилиш билан боғлиқ мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179-2-моддаси товар-моддий бойликларни республикадан олиб чиқиш борасида белгиланган тартибни бузганлик учун татбиқ этилиши тушунтирилсин.

Товар-моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш тартиби тегишли ҳукумат қарорлари ва божхона қоидалари билан ўрнатилади. Шу сабабли тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича маҳсулотларни четга олиб чиқишнинг қайси қоидаси бузилганини аниқлашлари лозим.

Жиноят-процессуал қонунларга мувофиқ тергов органлари ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликлар олинган манбаларни ва қандай мақсадда олинганини синчиклаб текшириб аниқлашлари шарт. Агарда бу бойликлар талон-торож қилиш натижасида ёки бошқа жиноий йўл билан олинган ёинки товарлар келажакда чайқовчилик қилиш мақсадида олинган бўлса, айбдор шахсларнинг ҳаракатларини 179-2-модда ва Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари йиғиндиси билан баҳолаш лозим.

3. Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб чиқиш тартибларини бузиш тўғрисидаги ишларни тергов қилишда ва судда кўришда бундай ҳуқуқбузарликларни содир этишга алоқаси бўлган барча шахсларни аниқлаш зарур. Жиноятларга йўл қўйган, шунингдек уларнинг олдини олиш чораларини кўрмаган мансабдор шахслар хизмат мансабини суиистеъмол қилганлик ёки хизматига совуққонлик билан қараганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётгани билгани ҳолда транспорт воситаси билан таъминлаган мансабдор шахснинг ҳаракатлари шу жиноятда иштирокчи тариқасида баҳоланиши лозим.

Маҳсулотларни ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб чиқишда фойдаланилган фуқароларнинг транспорт воситалари жиноят қуроли сифатида мусодара қилиниши керак.

4. Ўзбекистон Республикасининг божхона қонуни қабул қилингунга қадар республикага товар-моддий бойликларни ва пул маблағларини олиб келиш ва олиб чиқиш тартибларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1992 йил 24 июлда қабул қилинган фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекса амал қилиш лозимлиги судларга тушунтирилсин.

СССР божхона кодекси на «Божхона тарифлари тўғрисида»ги СССР қонуни қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган қисмлари судлар томонидан қўлланилиши мумкин.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 233-1, 244-моддаларига мувофиқ 166-2-моддада (товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиш) ва 209-моддада (божхона қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, бу ҳуқуқбузарлик фуқаро ёки юридик шахс томонидан бузилганидан қатъи назар, божхона органлари томонидан кўрилади.

Шу муносабат билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан содир қилинган қайд этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишлар судларга тегишли эмас ва божхона органлари томонидан кўрилиши лозим. СССР божхона кодексининг 118-моддаси, бу ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлгани сабабли қўлланилмайди.

6. Республика ҳудудига 1961-1992 йиллар нусхасидаги нақд рубль пул намуналарини ғайриқонуний равишда олиб келиш, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш катта хавф туғдиришини эътиборга олиб, судлар бу ҳуқуқбузарликлар ташкилотчиларига ва уларнинг ашаддий иштирокчиларига қонунда назарда тутилган қатъий жазо чораларини қўллашни таъминлашлари керак.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди тегишли суд назоратини таъминлаши, ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини доимий равишда таҳлил этиши, йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
У. МИНГБОЕВ.

Пленум котиби,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси
И. ТУРСУНБОЕВ.

ҚИНҒИ

«Ўзбалиқ» концернинг «Хоразм» балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси йил бўйи вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ҳамда Мўйноқдаги корхонани ҳам хом ашё билан таъминлашга эришмоқда. Воҳа балиқчилари кунига 45—50 тоннагача балиқ овламоқдалар. Йил бошидан буён улар савдо тармоқларига 2300 тонна маҳсулот етказиб беришди.

СУРАТЛАРДА: 1. Балиқ овлаш пайти (юқорида). 2. Бирлашманинг тажрибали балиқчилари (чапдан-ўнгга) Бахтиёр Матёқубов ва Комилжон Паноев бугунги овдан мамнун. З. Ҳавзанинг умумий кўриниши.

Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.



МИСР—ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасига расмий ташриф билан борган эди. Бу сафар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Орадан бир неча ой ўтгач, Тошкентда Миср Араб Республикасининг элчихонаси очилди. Элчихонанинг ахборот бўйича маслаҳатчиси Магди ДАЙФ билан суҳбатимиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва унинг истиқболлари хусусида бўлди.

— Жаноб Дайф, аввало, Миср Араб Республикаси ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Бажонидил. Менинг мамлакатим дунёдаги энг узун дарё — Нил соҳилида жойлашган. У Африка қитъасининг шимоли-шарқида, араб дунёсининг марказида ўрин тутган. Бу ерда инсониятнинг қадимий маданиятларидан бири шаклланган. Миср давлати эрамиздан олдинги 3200 йилда мавжуд бўлган. Хозирги пайтда Миср 60 миллионга яқин аҳоли яшайди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва саноат яхши ривожланган. Нефть қазиб олиш ва саёҳатчилик. Сувайш қанали ҳам анчагина даромад келтиради. Хозирги пайтда Миср иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган, замонавий мамлакатдир.

— Яқинда Мисрда Президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Янги ҳукумат ташкил этилди. Хозир давлатни кимлар бошқаряпти?

— Ҳа, октябрь ойида бўлиб ўтган референдум натижасида Муҳаммад Ҳусни Муборак учинчи марта яна 6 йил муддатга Президентликка сайланди. Доктор Отиф Сидкий Бош вазир қилиб тайинланди. Яна 13 вазир янгиланди. Президентимиз юргизаётган сиёсат аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига жавоб бермоқда. Барча мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш, уларнинг сиёсатини ҳурмат қилиш, иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатиш — бу сиёсатнинг асосини ташкил этади. Ислоҳот деганимга ажабланманг. Чунки бизда ҳам хориждан олиб келинаётган маҳсулотларни камайтириш, барча зарурий нарсаларни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш шиори остида ислоҳот амалга оширилянти.

— Тошкентга келганингизга тўрт ойча бўлибди. Ўзбекистон ва унинг аҳли сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ўзбекистон раҳбари Миср делегация аъзолари билан учрашган, улар билан қизғин суҳбатларда бўлгандим. Ўшандаёқ юртингиз менда қатта қизиқиш уйғотган эди. Орадан кўп ўтмай, чет элда дипломатия соҳасида ишлашни таклиф этишганида ҳеч иккиланмай Ўзбекистонга бориш ниятида эканлигимни айтдим. Дастлаб мени қандай кутишаркан, янги мамлакатдаги шароитга кўника оламанми, деб бироз чўчидим. Аммо биринчи кунлардаёқ ўз биродарларим бағрига келганлигимни яхши ҳис этдим. Деярли ҳар бир учрашган одам мени эски қадрдонлардек кутиб олар, уйига таклиф қилар, ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этар эди. Бу бежиз эмас. Бизни неча минг йиллик тарих ва ислом дини бирлаштириб турибди.

Тошкент — гўзал шаҳар, ҳавоси тоза. Энг муҳими, бу ерда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Бор-йўғи тўрт ой яшаётганимга қарамай, Ўзбекистон менинг иккинчи ватаним бўлиб қолди. Мисрда Ўзбекистонни шу тупроқда улғайган буюк шахслар орқали яхши билишади. Ибн Сино, Термизий, Замаҳшарий, Ал-Бухорий, Нақшбанд сингари алломалар фаолияти билан мактабдаёқ танишамиз. Улар муштарак маданиятимиз тарихида катта из қолдиришган. Кўпгина анъаналаримиз ҳам бир-бирига яқин.

— Миср Араб Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик давлатдир. Мамлакат мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил бораётгани бизни қувонтиради. Иқтисодни пухта биладиган раҳбар — Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақият қозонишига ишончимиз комил. Ўзбекистон Президентининг Мисрга ташрифи чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича бир қанча ҳужжатлар имзоланган эди. Ана шу ҳужжатлар асосида анчагина амалий ишлар қилинди. Жумладан, элчихонамиз очилди. Ҳозир Чилонзор кўчасида унга ажратилган бинода таъмирлаш ишлари қизғин бораяпти. Қисқа вақт ичида Мисрдан бир неча делегация Ўзбекистонга келиб кетди. Дин ишлари вазири доктор Махгуб, касаба уюшмалари делегацияси, тижоратчиларнинг сафарлари самарали бўлди. Ўзбекистондан уч киши Қоҳирада ўтказилган «Мавлуди набавий» диний байрамида иштирок этди. Яқинда Қоҳирадаги турли институтларда ўқиш учун бу ердан 90 га яқин талаба ва аспирант жўнаб кетди. Энди эса Ал-Азҳар дорилфунунида ўқиш учун яна 100 талаба юборишга ҳозирлик кўрилмоқда. Миср телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиш хусусида Ўзбекистон телевидениеси билан музокаралар олиб боряпмиз. Ҳозирча телетомошабинлар ҳар якшанба куни Мисрнинг тарихи ва бугунги кўни ҳақидаги кўрсатувларимизни томоша қилишлари мумкин. Тошкентда Миср Араб Республикасининг маданий марказини очишга тайёргарлик кўриляпти. Ҳуллас, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораяпти.

— Миср ва Ўзбекистон халкларини янада яқинлаштириш йўлидаги эзгу фаолиятингизга муваффақият тилаймиз.

— Раҳмат.

Н. МУҲАММАД суҳбатлашди. (ЎзА).

ФАРҒОНАДА БИРИНЧИ

Бу йил табиат фарғоналик деҳқонларни қайта-қайта синовдан ўтказди. Лекин аҳдига вафодор деҳқонлар табиий офатга қарши тинимсиз кураш олиб бордилар.

Тоғолди шароитида деҳқончилик қилаётган, иқлими паст, баҳори кеч, кузи эрта келадиган Фарғона туманн пахтакорлари эришган ғалаба ҳам фикримизни исботлаб турибди. Водий номи билан аталувчи туман пахтакорлари 9 минг 420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан, жами 23 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.

Бу ғалабанинг туман тарихида ўзига хос ўрни бор. Чунки водиллик пахтакорлар туманнинг ярим асрлик тарихида илк марта вилоятда биринчи бўлишди. Бу улкан ғалабага таниқли пахтакор Оловиддин Сатторов раҳбарлик қилаётган, ҳозирга қадар йиллик режани 125 фоизга уддалаган Бобур номли, «Янги ҳаёт», «Олтин водий», Ҳ. Ҳакимзода номли, «Ҳақиқат» жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшиб қолмай, сифатли ва харидоргир ҳосил етиштиришда ҳам намуна бўлдилар. Водил шароитида пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Асосий майдонлар тош-шағалли қир-адирларда жойлашган. Йил давомида 10—12 марта ғўзага ишлов бериш, 8—10 марта суғоришга тўғри келди. Бу йил эса баҳор ва ёздаги сурункали ёмғирлар, жала, дўл ва сел оқибатлари деҳқонларни анча шошириб қўйди. 3 минг 300 гектар майдонга 2 марта, 650 гектар майдонга эса 3 мартадан чигит қадалди. Ҳатто ёзнинг дастлабки ойи ўрталарида ҳам экиш агрегатлари далаларга олиб кирилди. Ана шу мардона меҳнат ҳамда Муқимжон Қўчқоров, Маъруфжон Эргашев, Нўъмонжон Ҳамроқулов, Сулаймон Раҳимов, Жумабой Иняминов, Зулфия Мадумарова, Телсимбой Узоқов сингари кўпни кўрган тажрибали пахтакорлар бошлиқ жамоаларнинг фидойилиги туфайли йил бошида берилган ваъдалар шараф билан уддаланди.

Туманда пилла, дон, сабзавот, узум, мева, картошка сотиш юзасидан белгиланган режалар ҳам ошириб бажарилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим

БИР АЖДОДИМИЗ ИЗЛАРИ

ҚАШҚА воҳасида ўрта асрларда икки шаҳар—Насаф ва Кешда илм-фан, маданият юксалиш йўлига киради. Шунингдек, тарихий асарларда вилоятнинг қуйи қисмида, яъни Насаф шаҳри теварак-атрофида жойлашган Офурон (Оброн), Кожар, Балда (Пўлоти), Тадёна (Фудина), Базда (Кўҳна Фазли), Косон каби манзилларда ҳам X — XII асрларда фан ривожи зикр этилади. Араб муаррихларининг қайд этишича кўра, Насафда тарихнавислик, ислом қонунчилиги, тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа — ҳикмат илми, айниқса, тараққий қилган. Шу даврда фаолият кўрсатган аллома олимлардан бири Нажмиддин Насафийдир.

Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий ўз даврининг йирик тарихнавис, тилшунос, адабиётшунос, фиқҳшунос, файласуф олими ва шоири бўлган. Ҳижрий 460, милодий 1068 йилда Насаф шаҳрида туғилган ул зот Ўрта Осиёнинг қомусий билим соҳиблари қаторида туради. Довруғи араб ва Оврупо олимларига қадар етиб боради, 74 йиллик умри давомида 100 дан ортиқ китоблар ёзади. Дарвоқе, буюк ватандошимиз Нажмиддин Насафий ҳақида Ноён Равшановнинг «Адабий саҳифалар» (1985) китобида, шунингдек, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (1991) китобларида маълумотлар берилган.

Нажмиддин Насафий ҳақида маълумот бергувчи манбалар, масалан, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сомонийнинг «Китоб ал-ансоб» асарида унинг вафоти ва дафнаси ҳақида фикр юритилган. Сомоний Нажмиддин Насафийнинг сўнгги умри Самарқандда кечганлигини, улуғ юртдошимиз бу шаҳарда баракали ижод қилганлигини айтади. Ҳақиқатда Нажмиддин Насафий умрининг сўнгги йилларида Самарқандда, яна ҳам аниқроғи, Самарқанд атрофидаги Мотурид қишлоғида ўрнашиб,шу жойда ҳаёт кечиради. Унинг бу жойда ёзган «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» (Самарқанд тарихи ҳақида китоб) асари маданиятимиз кечмишини ўрганишда қутлуғ манба бўлиши турган гап. Ўрис олимлари, араб тарихнавислари бу асардан унумли фойдаланиб, Ўрта Осиё ва Моваройуннаҳр тарихига доир жилд-жилд китобларни битганлар. Насафий яратган «Самарқанд тарихи» вақтисоати келиб, она тилимизда ҳам нашр этилар. Иншоолло, бунга ишончимиз комил.

Аллома ҳижрий 537, милодий 1142 йилда омонатини жаноб Тангрига топширганлар. Энди бир савол туғилади: юздан ошиқ китоблар ёзган, фан оламида машҳур бўлган улуғ олим қаерда дафн этилган?

Нажмиддин Насафий даҳмаси ҳақида маълумот берувчи ягона манба — Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асаридир. Абу Тоҳирхожа XIX асрнинг учинчи чораги сўнгларида вафот этган.

«Самария» — Самарқандномадир. Мазкур асарда Самарқанд ва унинг машҳур кишилари, фозил олимлари, масжиду мадрасалар, улуғ кишиларнинг даҳмалари ҳақида мароқли ҳикоя қилинади. «Самария» китоби ҳижрий 1260 — 1265, милодий 1844 — 1848 йиллар ўрталарида ёзилган деб қаралади.

«Самария» китобининг VIII бобида («Ушбу шаҳарнинг масжидлари ва мадрасаларининг хосият ва сифатлари тўғрисида») биз илк дафъа Нажмиддин Насафийнинг қабри ҳақидаги сўзларга дуч келамиз: «Иккинчи, Абдулло бин Умар Ҳаттоб — тангри ундан рози бўлсин—масжиди. Бу масжид ҳазрати Умар масжиди оти билан машҳур бўлиб, масжидн Қабуд ҳам дер эканларким, шаҳар ичида иморатлараро Шердор, Тиллакорий ва Улуғбек мадрасалари яқинида, яъни Улуғбек мадрасасининг жанубишарқида, Регистон майдонига рўбарў, Тиллокорий мадрасасининг қаршисида, янги солинган мадрасанинг ичидадир. Ҳазрат Абдулло Умар ўғли Саид Усмон ўғлига бир талай оқча бериб, «Қайсики шаҳарким ислом қўшини томонидан олинса, сиз унда, бу йўлдан менинг отим билан отаб, бирор масжид солдиргайсиз», деди. Бу масжид ҳам ўшалардандир. Унинг меҳробинн саҳобалар тиклагандирлар. Қутлуғ бир ўриндир. Баъзнлар бу масжидни имом Умар Насафий масжиди деб атайдилар. Унинг (Умар Насафийнинг) қабри шаҳар ичида, Чокардиза қабристонидадир» («Самария», 23-бет).

Самарқанддаги биринчи масжид — Ҳазрати Ҳизр алайҳиссалом масжидидан сўнг иккинчи деб зикр этилаётган масжиднинг бино қилиниши тарихи араблар келиши даври билан боғланади. Шу билан бирга Абдулло бин Умар Ҳаттоб қурдирган деб қаралган ана шу иккинчи масжиднинг Нажмиддин Абу Хафс Умар Насафий номи билан юритилишида маълум мантиқ бор. Нажмиддин Насафий ушбу масжидни қурдирганми ёхуд унга қатнаб намозларини адо қилганми? Фикримизча, иккинчи тахмин тўғрироқдир. Одатда, улуғ кишилар қадамжоси бўлган ерлар кейинчалик улар номи билан аталиб кетган ҳоллар кўп учрайди.

Абу Тоҳирхожа китобнинг «Самарқанд шаҳрининг олий аркидан ташқарида бўлган сербарокот мозорлар» бобида «Имом Нажмиддин Насафий мозори ҳам Чокардизада, шайх Абу Мансур Мотуридий мозорининг яқинидадир. Баъзилар Умари Насафий мозори Абдулло бин Умар масжидининг ташқарисидадир, дейдилар», деб ёзади.

«Самария» асари орқали биз улуғ юртдошимиз, буюк аллома Нажмиддин Насафийнинг ҳаёти ва дафн этилган маскани ҳақида баъзи маълумотларга эга бўламиз. Маълум бўладики, Самарқанднинг ташқарисида, шаҳарнинг шимол тарафида жойлашган Мотурид қишлоғи XI — XII асрларда йирик олимларни бағрига олган. Нажмиддин Насафийнинг даҳмаси Чокардиза (Жокардиза) қабристонида, Абдулло бин Умар масжидига яқин жойда бўлган. Унинг қабри шайх Абу Мансур Мотуридий мозори билан ёнма-ён жойлашган. Бинобарин, бу қабрлар ҳанузга қадар яхши сақланган.

Ҳожи Исмоил РАИҲОН. Қарши шаҳри.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

СОБЧАК НИМА ДЕЙДИ?

«ТРУД» газетасининг ёзишича, Санкт-Петербург шаҳри ҳокими «Бильд ам зонтаг» нашрига ажабтовур интервью берибди.

ЎТКИР сиёсатчи сифатида танилган А. Собчак Россия Президенти лавозимига ўз номзодини кўрсатиш нияти йўқ эмаслигини маълум қилди. Шунингдек, у парламентга бўладиган сайловларни декабрдан келаси йилнинг мартига кўчириш маъқуллигини таъкидлади.

ШАРОБ ДАРЕСИ ФАҚАТ ЭРТАКДАМАС

ЭРТАКЛАРДАГИ «Шароб тўлиб оққан дарё» ҳақидаги афсона Кения мамлакатида ҳақиқатга айланди.

МУХОРОНИ шаҳридан оқиб ўтадиган Ньяндо дарёсидан олинган сув бир неча кун асралса, у ҳақиқий хонаки пиво турларидан бирига айланиб қоларкан. Сабаби — шу атрофдаги шакарқамишни қайта ишлайдиган заводлар чиқитларни тозаламай, тўғри дарёга оқизишади.

ЯСАМА СОЧ ВА РИДО... КЕРАК

СУДЬЯЛАРНИНГ ясама соч ва ридо кийиш ёки киймасликлари хусусида икки йилдан кўпроқ давом этган баҳс-мунозара ниҳоят якунланди.

ЛОРД-КАНЦЛЕР Маккей ва Олий суд раиси лорд Тейлор судья ва адвокатларнинг хизмат кийимбошларини XVIII асрдан бери сақланиб келаётган шаклда қолдириш фикрида эканликларини баён этишди. Бу борада ўтказилган савол-жавобларда қатнашган кўпчилик британияликлар ясама соч ва ридо суд ҳокимияти обрўсини ва нуфузини оширади, деган фикрни айтдилар.

СУВАРАК ҚОЛИБ, ОДАМНИ ҚУЛАТДИ

УФАДАГИ тижорат фирмаси ходимлари суваракларидан қутилишнинг антиқа усулини қўлламоқчи бўлишди. Бироқ...

ҲАДДАН ташқари кўпайиб кетган суваракларидан бир йўла қутилиш мақсадида газ баллонларини ишга солдилар. Бундан бехабар бўлган мижоз фирмага кирди-ю заҳарли буғдан ҳушини йўқотиб, қулаб қолди. Ҳушига келгач, энди бундай фирма билан зинҳор алоқа қилмаслигини айтди ва алоқани узди.

ЛАДА ЕТИМЛАРНИ ЎЗ ҚАРАМОҒИГА ОЛДИ

Н. ИСМЛИ фуқаронинг Лада лақабли овчарка ити етим қолган бешта чўчқа боласини «ўз қарамоғига олди».

ИТЛАРДА ҳам оналик ҳисси бор экан. У ночор қолган чўчқа болаларидан ўз сутини аямади. «Етим»лар Ладанинг «ўгай она»лигини сезмай улғаяптилар.

МЕРОС РАИСА МАКСИМОВНАГА НАСИБ ЭТДИ

Р. ГОРБАЧЕВАни Пермда кутилмаган мерос — икки хонали уй кутмоқда.

ПЕРМ шаҳрида ёлғиз яшовчи нафақахўр камбир ҳар эҳтимолга қарши расмийлаштириб қўйган васиятномасида шундай қарорга келганлигини қайд этди. Унинг таъкидлашича, қариндош-уруғлари ҳам йўқлиги учун уйини дунёда энг ёқтирган аёлга мерос қолдиришни афзал кўрибди.

ТУҚАЛИ... ЛАҚҚАБАЛИҚ

ХЕРСОН вилоятининг Берислов шаҳрида яшовчи муҳандис В. Чечининг ови доимо бароридан келади.

АММО бу сафаргисини ўзи ҳам кутмаганди. Каховск сув омборидан 107 (!) килоли лаққабалиқни тутиб олганида ҳайратланмади-ю, унинг қорнидан чиққан буюмларни кўриб лол қолди. Ҳаммасиям майли-я, «1907 йил» рақамлари туширилган кумуш тўқани балиқ қачон ютган экан?

ЭГИЗАКЛАР ТУҒИЛАДИГАН ҲАФТА

АСЛИДА, ҳатто 4-5 талаб эгизаклар туғилиши мумкинлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди.

БОШҚИРДИСТОННИНГ Кумертау шаҳри туғруқхонасида бир ҳафта давомида етти марта эгизак чақалоқ дунёга келди. Бунақасини узоқ йиллардан бери ишлайдиган врачлар ҳам эслаша олмайди.

Доришунослар анжумани

22 ноябрда Тошкент фармацевтика институтида «Фармацевтика фани ва амалиётининг устивор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади. Мазкур анжуман Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» давлат-акционерлик концерни ва Тошкент фармацевтика институти ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унинг ишида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Усимликлар моддалари кимёси ҳамда биоорганик-кимё институтлари, Ўзбекистон кимёвий технология ва катализ илмий-текшириш институти, «Фармация», «Ўзкимёфарм» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа бир қанча ташкилотлардан таниқли олимлар, мутахассислар, илмий ходимлар, аспирант ва муҳандислар иштирок этмоқдалар.

Икки кун давом этадиган анжуманда 3 та умумий ва юздан зиёд қисқа маъруза эшитилиб, муҳокама қилинади. Бу маърузаларда бозор иқтисодиёти тизимида фармация ишини ташкил этиш, фармацевтик технология ва биофармация масалалари, дорипор ўсимликларни ҳимоя қилиш, кўпайтириш, парваришлаш технологияси, уруғчилик ва селекция масаласи ва улар асосида дори-дармонлар ишлаб чиқариш, доривор моддаларни синтезлаш, замонавий ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муаммолари муҳокама қилинади. Конференцияда иккита давра суҳбатини ўтказиш мўлжалланган. Улардан бирида фитокимё препаратларини яратиш ва уларни фармацевтика саноатига жорий этиш, иккинчисида эса яшаш учун зарур дори-дармонларни ишлаб чиқариш истиқболлари ҳақида гап боради.

Бугунги мураккаб шароитда бундай анжуман ўтказилишининг нима кераги бор, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён фармацевтика соҳасида ҳам анчагина ислоҳотлар ўтказилди. Республиканинг фармакологик ва фармакопея комитетлари, «Ўзфармсаноат» давлат-акционерлик концерни, дори-дармон билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирмалар, лаборатория ва марказлар ташкил этилди; диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш ўз ишини бошлади, «Кимё ва фармация» илмий журнали мунтазам равишда чоп этилмоқда. Лекин доришунослик соҳасида изланишлар олиб борувчилар, «истеъмолчиларни», ишлаб чиқарувчиларни бир мақсадда бирлаштириш, дори-дармон билан таъминлаш ишига йўналтириш — энг долзарб масалаларидир. Фармацевтика фани ниҳоятда серқирра, у турли фанлар чегарасида ётади. Дори-дармонлар яратиш, уларни ишлаб чиқариш ва аҳолига, даволаш муассасаларига ўз вақтида керакли сифатли етказиб беришни таъминлаш — турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ижодий ҳамкорлиги, сидқидилдан қилган меҳнати туфайли рўёбга чиқади.

Бизнинг ўлкада эса бу соҳанинг тарихи ўзига хос анъаналари, жуда бой хомашё заҳиралари, илмий мактаблари ва юқори малакали мутахассислари мавжуд. Бироқ ушбу нодир бойлигимиз қали аҳоли соғлиғини сақлашдек олижаноб мақсадга эришиш йўлида етарлича самара бераётгани йўқ. Олдимизда ечилмаган жумбоқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолар бор. Булардан энг зарурлари: ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар ҳамда шифобахш моддалар заҳираларининг талон-торож этилиши сингари ноҳуш ҳолларга зудлик билан чек қўйилишини тақозо этади.

Шунингдек, аҳолига, даволаш муассасаларига етказиб бернладиган дори-дармонларнинг сифатини назорат қилиш, стандартлаш усулларини такомиллаштириш, дорихоналарни хусусийлаштириш, фармацевтик экология, фармацевтик маркетинг, фармацевтик менежерликка эътиборни кучайтириш, биотехнология, микробиологик усулларда дори моддаларни ишлаб чиқаришга ҳам эътиборни кучайтирмоқ керак. Анжуманда юқорида қайд этилган долзарб муаммолар ҳақида баҳслашилади, фикр алмашилиб, карорлар қабул қилинади. Фармацевтика фанининг энг устивор йўналишлари белгилаб олинади. Конференцияда кўтарилган масалалар, фикр ва мулоҳазалар Ўзбекистон Республикасининг дори-дармонлар ва фармацевтика фаолияти ҳақидаги қонуни асосларини ишлашда, фармацевтика саноатини ривожлантириш дастурини яратиш ҳамда Ўзбекистонда дори-дармон таъминлигига барҳам беришда пойдевор бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

С. АМИНОВ, Тошкент фармацевтика институтининг ректори вазифасини бажарувчи, конференция ташкилий комитети раисининг ўринбосари, профессор.

• *Хотира*

АДИБ ЯРАТГАН СОЛНОМА

Ёзувчининг хизмати, адабиёт равнақига қўшган ҳиссаси унинг кўп ва қалин китоблар ёзгани билан ўлчанмайди, албатта. Гап ҳажмда эмас, аксинча, сифат ва салмоқда, ўқувчига манзур ва маъқул ёзишда, асарларида ўз овози, ўз услубини намоён этишда.

Сўз санъаткорининг ижоди, қолдирган мероси баҳосн масаласига шу нуқтаи назар билан қараладиган бўлса, таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзийнинг номи ҳам катта эътибор ва эътирофга моликдир. Ёзувчи ўзидан ўчмас хотира қолдирди — у замондошлари қалбида дилкаш ва камсуқум, одамохун инсон, келажак авлод учун куюнчак ижодкор сифатида ардоқли бўлиб қолади.

Камтарин адиб ўзининг табаррук етмиш ёшлик тўйини тўйлашга ҳам улгурмай, ноябрь ойининг 18 куни, жума тонгида замон ва турмуш ташвишларини беозоргина тарк этди.

Ижодкор ўлмайди, дейдилар. Раҳмат Файзийдек қалам соҳиби учун боқий умр — ўлмас адабий ҳаёт бошланди. Адиб вафоти муносабати билан ёзувчи Мирмуҳсин қалбида изтироб билан шундай ёзди: «У ниҳоятда дилбар, беозор, хушфеъл, инсофли инсон, заҳматкаш, билағон, қалами ўткир адиб эди. Адабиётимизнинг юксалишида унинг ҳам ҳиссаси ғоятда катта. Шарқ зиёлиларига хос ўта камтар, ўзини кўп таманно қила бермайдиган, халқ муҳаббатини қозонган ижодкор эди...»

Холисонилло ўйлаб қарасак, ёзувчининг эл-юрт, ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати олдидаги хизмати улкан. Халқимизнинг китоб жавонида марҳум адибимизнинг иккита роман, қатор повест, киноқиссалар, ҳикоя, очерк ва публицистик китоблари зиё тарқатиб турибди.

Раҳмат Файзий адабиётга жўшқин журналистика орқали кириб келган эди. У ншчи-муҳбир сифатида матбуотда кўрина бошлади, сўнг дастлаб «Ленин учқуни», кейинроқ «Фрунзевец» газеталарида ишлади. Лекин унинг ҳаётн, ёзувчи бўлиб етишишида «Қизил Ўзбекистон» газетаси ҳал қилувчи роль ўйнади. 1944 — 1951 йилларда ушбу редакция даргоҳида қизғин фаолият кўрсатди.

Дарҳақиқат, қирқинчи йиллар охири ва эллигинчи йиллар адабиёти тўғрисида гап юритилса, Раҳмат Файзийнинг номини четлаб ўтиб бўлмайди. У ўзбек носирлари орасида биринчилардан бўлиб саноат мавзуси, ишчилар образини яратишда мавжуд бўшлиқни тўлдиргандардан.

Адиб урушдан кейинги йиллар адабиётимизда иқтидорли ҳикоянавис тарзида шуҳрат қозонди. «Қайнона», «Тўғонбойнинг қизи», «Янги йил оқшомида», «Ёдгор», «Шоҳи дарпарда», «Тошойна», «Чаноққа томган қон» асарлари ҳикоячилигимиз тараққиётида сезиларли из қолдирди. Ёзувчи оддий қалам соҳиби сифатида ҳамиша изланиш, ўрганишни канда қилғаи эмас. Классикларни мутолаа қилиш, устозлар ижод мактабларидан баҳраманд бўлиш бадиий маҳорат сирларини эгаллашда жуда муҳимлигини ндрок этган адиб Гоголдан сатира санъатини, Чеховдан ихчам, қисқа жумлаларда каттакатта мазмунни сингдира олишни ўрганганлигини алоҳида қайд қилар эди. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларни устозим деб биларди. «Абдулла аканинг яхши одати бор эди, — эсларди адиб. — Матбуотда чиққан асарларнинг биттасини ҳам қолдирмай ўқиб чиқарди. Маъқул бўлиб қолган асарларнинг авторларини танимаса ҳам, суриштириб билиб оларди ва чақириб, албатта, суҳбатлашарди. Гапириб ўтириб, охирида «дадил қадам ташланг, чўчимасдан, ён-веринг изга қарамасдан, одимлайверинг. Одамларнинг юрагига чуқурроқ киринг», дер эдилар.

Газетада ишлаб юрган кезлар редакция топшириқлари билан республика ҳаёти, меҳнатсевар кишиларнн ўрганган адиб «Чўлга баҳор келди» қиссасини ёзиб, фақат ўз ҳамкасблари ўртасида эътибор қозониб қолмасдан, Москва адабий жамоатчилиги назарига ҳам тушди. Кейинроқ унинг халқлар дўстлиги, интернационализм ва чуқур гуманизм руҳи билан суғорилган «Сен етим эмассан» киноповести машҳур бўлди. Бу асар асосида яратилган фильм собиқ Иттифоқимиздагина эмас, кўпгина чет эл кинозкранларида намойиш этилди, бир қатор йирик киноанжуманлар ва кўрикларда юксак баҳо ва мукофотлар олди. Киноқисса алоҳида ҳолида нашр қилинди. Раҳмат Файзийнинг яна бир хислатини бугун унутишга ҳаққимиз йўқ. Маълумки, 50-йиллар ўзбек адабиётида болалар прозасн жуда оқсаган давр эди. Ёзувчи бу жанрда «Биринчи хат», «Ҳаёт Содиқов ҳақида қиқоялар» болаларбоп китобларини эълон қилди.

Инсонни, инсонийликни реалистик бўёқларда кўрсатиш ёзувчидан катта маҳорат ва истеъдодни талаб этади. Адабиётимизнинг марказий мавзуларидан ҳисобланган дўстлик, қон-қардошлик Раҳмат Файзий фаолиятида ҳам бош лейтмотив сифатида умрининг охиригача қолди. Бу мавзу, унинг ижодига хос хусусиятлар— ўзбекона болажонлик, меҳр-оқибат, заҳматкашлик фазилатлари «Ҳазрати инсон» романи учун асосий ғоя бўлиб хизмат қилди.

Раҳмат Файзий ҳамиша қадр-қиммат, меҳр-оқибат, дўст-биродарлик, болажонлик ва шафқат ҳақида ёзди. Унинг асарларидан халқимизга хос камтарлик, ўзбекча ифор, одам гўзаллигига ошуфталик, миллий руҳ ёғилиб туради.

Ижодкор ва бадиий асарнинг умрбоқийлигинн таъминлайдиган қатор хислатлар бўлади. Булар — ўз даври туйғуси, пафосини бадиий тадқиқ этиш, ўқувчига бадиий-эстетик завқ, маълумотлар, тушунчалар бериш, замонасининг дард-ташвишлари, қувонч-изтиробларини ҳаққоний тасвирлашдир. Шу жиҳатдан яқиндагина бизни, улкан адабиётимизни жисмонан тарк этган, аммо бир ижодкор умрига етгулик ва арзигулик мерос қолдирган севимли адибимизни эзъозикром билан хотирлайлик.

Исроил МИРЗАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети доценти.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАБАРЛАРИ

ГАНЖИРАВОН МАКТАБЛИ БЎЛДИ

ОЛТИНКЎЛ туманидаги Ганжиравон қишлоғида собиқ СССР даврида мактаб йўқ эди.

ЯҚИНДА бу ерда 320 ўринли замонавий мактаб қад ростлади. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган бинони фойдаланишга топшириш учун бор-йўғи 40 кун кифоя қилди. «Облколхозстрой»га қарашли 101-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари шу қисқа муддатда 50 миллион сўмлик иш бажардилар.

ХОҲЛАСАНГИЗ, МАГАДАН БИЛАН ГАПЛАШИНГ

ХОҲЛАСАНГИЗ Москвага, хоҳласангиз Магаданга овозингиз бир зумда етиб бориши мумкин.

БУНИНГ учун алоқа бўлимидагиларга телефон ҳақини тўласангиз бас. Олтинкўл вилоятда йирик шаҳарларга тўғридан-тўғри телефон алоқасига чиқа оладиган туманлардан бири ҳисобланади.

Бундай имкониятга тармоқларни янги асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш туфайли эришилди.

Йил охиригача тумандаги Қўштепа 500, Кўмакай, Маслаҳат, Оразий қишлоқларида 300 тадан телефон нуқтаси ана шундай янги имкониятлар асосида ишлайдиган бўлади.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тарих билан юзма-юз.

ЭЪЛОНЛАР

PASSAP®



✔ Ярим соноат, майиший тўқув машиналари ва ёрдамчи жиҳозлар.

✔ Юқори самарадорлик ва кафолат.

✔ Турли иплардан фойдаланиш имконияти.

✔ Энг яхши ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш имконияти ва бетакрор трикотаж буюмлари.

✔ Кафолатли ва кафолат муддатидан кейинги сервис, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ва ўқитиш.

PASSAP MADAG PRESSOR

Телефон: (3712) 39-44-26, факс: (3712) 39-46-43.

"ПАССАП" - бу сизнинг маблағингиз!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1993 йил 1 декабрдан бошлаб кундузги тайёрлов бўлимига (курсларига) тингловчиларни шартнома асосида қабул қилади. Университетнинг тайёрлов бўлими Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар бўйича: математика, физика, химия, биология, география, она тили, тарих, инглиз тили, француз тили, немис тили тест синовларига тайёрлайди.

Ҳужжатлар 1993 йил 15 ноябрдан 30 ноябргача суҳбат асосида қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

— Ректор номига ариза;

— Ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестатнинг асл нусхаси (битирувчи синф ўқувчилари учун ўқиш жойидан маълумотнома);

— 086/У шаклида тиббий маълумотнома;

— 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

— Меҳнат стажига эга бўлганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланиб, имтиёзли овқатланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тайёрлов бўлимида ўқитиш университет илмий кенгашида тасдиқланган низом асосида амалга оширилиб, машғулотлар университетнинг малакали ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабатн тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУнинг 13-ётоқхонаси.

Маълумот учун телефон: 46-02-26.

БУГУНОҚ СОТИБ ОЛИНГ

Хилма-хил турдаги ва кўринишдаги чарм куртка ва плашчлар.

Ҳиндистон полуверлари, жемперлари ва свитерлари.

Янгилик! Ишбилармонлар ва ҳисобчилар учун — сигнализацияли махсус ДИПЛОМАТЛАР.

«Буббли ГУМ» сақичлари.

Қўнғироқ қилинг: 68-07-13.

Таширнф буюринг: Тошкент, Пушкин кўчаси, 66-уй, 20-хона. (Ҳ. Олимжон метро бекати).

Маълумот учун телефон: 34-62-17.

Ташкилот корхоналар ҳамда тижорат тизимларига офис ёки меҳмонхоналар учун 9 қаватли ётоқхона биноларини таклиф қилади.

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс дастасини малакали ёш рақҳосалар билан мустаҳкамлаш мақсадида «Баҳор» дастаси 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли

РАҚҚОСАЛАР ҚУРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўрик-танлов шартлари билан даста маъмуриятида танишишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.

Телефонлар: 39-46-10, 39-46-09.

«Ўзқурилишконструкция» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги «Оҳангарон темирбетон» ишлаб чиқариш кооперативи қайта ташкил қилиниб, 1993 йил 9 ноябрдан «Оҳангарон темирбетон» давлат корхонасига айлантирилди.

Эътироз ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қайта тузилган корхона маъмурияти томонидан қабул қилинади.

Манзилимиз: 702431, Оҳангарон шаҳри.

27 ноябрдан 3 декабргача Тошкентда 1-Покистон савдо

ҚУРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Дайна трейд» (Карочи) фирмаси вазирликлар, концернлар, қўшма корхоналар, ассоциациялар, йирик фирмалар раҳбарларини ҳамда Тошкент шаҳри аҳолисини халқ истеъмоли моллари кўргазмасига таклиф этади.

Сиз бу ерда шартномалар тузиш, харид қилиш, қўшма корхоналар очиш тўғрисида музокаралар ўтказишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент, Пушкин кўчаси, 7. («Болалар дунёси» магазини яқинида). Архитекторлар уюшмаси.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими, Ўзбекистон Фанлар академияси ходимларн касаба уюшмаси республика қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотн лауреати, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Шарқшунослик институти бош илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор

Павел Георгиевич ВУЛГАКОВ-

нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент Давлат университети маъмурияти ва математика факультети жамоаси математика-физика кафедраси мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Шавкат Алимовга онаси

Карима УСМОНОВА-

нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни раҳбарнятн ва жамоаси собиқ мева-сабзавот хўжалигн вазирлигининг собиқ вазири Ориф Алимович Алимовга рафиқаси

Карима УСМОНОВА-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Кибернетика илмгоҳининг «ДСМОРБ» лабораторияси бош илмий ходими, ижтсод фанлари доктори Ш. Алимовга онаси

КАРИМА ая-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоалари ўзбек миллий мусиқий театр санъатининг таниқли вакиласи, Ўзбекистон халқ артисти

Омина ФАЕЗОВАнинг вафотн муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Спорт *Спорт* *Спорт* *Спорт*

ЮРТИМИЗ ФУТБОЛЧИСИ—РОССИЯ ЮЛДУЗИ

ЖАРОҲАТ туфайли бир неча ўйинларга қатнашолмаган ҳамюртимиз Андрей Пятницкий . Москванинг «Спартак» жамоаси таркибида яна қайта майдонга тушди. Энди уни Европа чемпионлар лигасида «Спартак»нинг «Монако» (Франция), «Барселона» (Испания), «Галатисарой» (Туркия) жамоалари билан яшил майдондаги учрашувларида кўришимиз мумкин. Биринчи учрашув 24 ноябрда «Монако» билан бўлади.

«Спартак» бу йил Россия чемпионатида йирик ҳисобда ғалаба қозониш бўйича рекорд қўйди. У 14 учрашувда шундай ғалабага эришиб, собиқ СССР чемпионатидаги рекордни ҳам янгилади. Албатта, собиқ пахтакорчи Андрей Пятницкий «диспетчер»лигида.

ЎТКАЗИЛГАН ҲАР БИР ТЎП ЮРАККА ЎҚДЕК ТЕККАНДИ

МАЙДОНГА чиққан спортчиннинг хаёлидан нималар ўтаётганини ўйингоҳга ташриф буюрган ўн минглаб томошабинлар ҳар доим ҳам ҳис қилаверишмайди. Мухлислар учун севимли жамоаси ёки спортчисиннг фақат ғалабаси керак. Шундай дамларда майдонда намойиш қилинаётган спорт санъатининг сабабчилари, бутун умрини шунга бахш этган асосчилари унутилади. Ҳатто мухлислардан олқиш ёки ҳақорат эшитаётган спортчи ҳам майдон четидаги ўриндиқда ўтирган устозн, мураббийсининг кўнглидан шу дамларда нималар кечаётганлигини тўлиқ ҳис қилолмайди.

Айнан шундай ҳолат билан шу йил 7 ноябрь куни Бухарест шаҳрида украиналик машҳур мураббий Игор Евдокимович Турчин юзма-юз келди ва...

У мураббийлик қилаётган Киевнинг «Спартак» жамоаси шу куни Европа қўл тўпи федерациясининг кубоги учун Бухарестнинг «Рапид» клубига қарши майдонга чиққанди. 1/8 финалнинг дастлабки учрашувида Турчиннинг қизлари 24:18 ҳисобида ғалаба қилган эдн. 7 ноябрда ўтказилаётган такрорий учрашув эса «Спартак» учун омадсиз бошланди. Ўн дақиқа ўтмасдан «Рапид» беш тўп фарқи билан ҳисобда олдинга чиқиб олди. Олдинги учрашувдаги ютуқ ҳам деярли қўлдан кетаётган эди. Бу, айниқса, мураббий Турчинга оғирлик қилди.

Украина ойнаи жаҳони ушбу учрашувни тўғридан-тўғри олиб кўрсатаётганди. Иккинчи бўлимнинг тўртдан уч қисми ўтганда негадир ўйин тўхтади. Украина қизлари бу пайтда 10:14 ҳисобида ютқазишаётганди. Телешарҳловчилар нима дейишга ҳайрон. Экранда эса турли хил тўлқинлар пайдо бўлди. Чунки «Спартак» жамоаси қизларидаи кимдир заҳира ўриндиқида, кимдир тўғридан-тўғри ерга чўзилганча ҳўнграб йиғлашга тушганди.

Мураббий Игор Евдокимович Турчин ана шу лаҳзаларда ўзи севган спорт майдонида дунёдан кўз юмган эди. У тўққиз кун яшаганда 57 ёшини нишонлаган бўларди.

БОКС бўйича С. Л. Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир нуқтасига етди.

ИСТЕЪДОДЛАР КЎП БУ ЭЛДА

Аввало, Жаксон ҳақида. У 1886 йил АҚШда ишчи онласида туғилган. Олти ёшида отаси ва онаси вафот этади. Ёш Сидней акаси ва опаси қўлида вояга етади. Биринчи жаҳон уруши даврида у Петербургга, урушдан сўнг юртига қайтишнинг имкони бўлмагач, Ўзбекистонга келиб қолади. У бу ерда биринчи марта бокс тўгараклари очади. Юртимизда боксинг қарор топиб, ривожланишига асос солади. Узоқ йиллар мураббийлик қилиб, 1961 йилда вафот этган.

Жаксон хотирасига бағишланган турнир 1966 йилдан буён ўтказиб келинади. Бу йилги турнирда ҳам республикамиз боксчилари билан бирга Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон спортчилари рингга чиқишди. Бир ҳафта мобайнида ўнта вазн бўйича боксчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Енгил вазнилар бахсида тошкентлик Фарҳод Нишонов ва фарғоналик Дилшод Йўлдошев рақибларидан устун келишиб, финалга чиқишди. Бу икки боксчи ўртасидаги финал баҳси ҳам қизиқарли ўтди. Маълумки, енгил вазнилар оғир вазнилларга нисбатан рингда кўпроқ ҳаракат қилишади. Табиийки, бундай жанг томошабиларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бунинг устига рақибларнинг ёши ҳам бир-биридан анчагина фарқ қиларди. Рақибидан деярли ўн ёш кичик бўлган фарғоналик Дилшод Йўлдошев ўтган гал эришмаган орзусига етди. Дилшод ўтган йилги Жаксон хотираси турнирида фақат финалда ютқазиб қўйган эди. Бу сафар у финалда очколар ҳисобида Фарҳод Нишоновдан устун келиб, турнир бош совринни қўлга киритиш билан бирга «Спорт устаси» унвонига сазовор бўлди.

51 кг. вазнлилар баҳсида қўқонлик, айни дамда Чирчиқда таҳсил олаётган Рифқат Эралиев бишкеклик халқаро миқёсдаги спорт устаси Талайбек Қодиралиевни финалда мағлуб этиб, иккинчи марта Жаксон хотираси турнирининг ғолиби бўлди. Яна шуни айтиб ўтиш жоиз. Ушбу вазн бўйича дастлабки жангларда жаҳоннинг вице-чемпиони, мустақиллик кубоги соҳиби Ҳикматилла Аҳмедов ҳам рингга чиққанди. Ярим финалда у Рифқатнинг рақиби Қодиралиев билан рингга чиқиши лозим эди. Бироқ олдинги жангларда жароҳат олган Х. Аҳмедов ярим финалда рингга чиқмади ва Т. Қодиралиев жангсиз финалга йўлланма олди.

54 кг. вази бўйича финалда бухоролик спорт усталигита номзод Абдураҳмон Камолов ва душанбелик Хуршид Ҳасанов ўзаро учрашишди. Абдураҳмон ушбу беллашувтача 104 марта рингга чиқиб, шундан 91 тасида ғалаба қозонганди. Унинг энг юқори кўрсаткичи 1990 йил Ўзбекистон чемпионатининг финалига чиққанлиги эди. Унинг бу сафарги рақиби 76 учрашувнинг 67 тасида ғалаба қилган Тожикистон чемпиони бўлди. Агар Абдураҳмон ушбу рингда ғолиб чиқса, «Спорт устаси» унвонига ҳам эришарди. У бунинг уддасидан чиқди.

60 кг. вазнлилар баҳсида эса душанбелик Икром Бобоев ғолиб бўлди. У финалда тошкентлик Элдор Назаровдан устун келди.

75 кг. вазнлилар баҳси ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу оғирликда республикамизнинг энг кучли боксчиларидан бири Игор Бунин рингга чиққанди. Игор 1991 йил собиқ СССР чемпионатида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган, Венгрия турнирида ғолиб чиқиб, халқаро миқёсдаги спорт устаси унвонига сазовор бўлган эди. Қолаверса, Владимир Шиннинг шогирди — Игорнинг мухлислари уни анча пайтдан буён рингда кўрмай, соғинишганди. Мустақиллик кубоги баҳсларида ҳам Бунин узрли сабабларга кўра курашмаганди. Бу сафар ҳам Игор ихлосмандлари ишончини қозонди. У финалда янгиободлик Рихсибой Шомирзаевни мағлуб этиб, хотира турнирининг мукофотига сазовор бўлди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги спорт устаси Наримон Отаев (67 кг) ва қўқонлик Хуршид Тўраев (63,5 кг) ўз вазнлари бўйича анъанавий Жаксон хотира турнирининг ғолиблари бўлишди.

Турнир республикамиз спорт оламида янги, ёш ва истеъдодли боксчилар авлоди пайдо бўлганлигини, уларнинг жаҳон миқёсидаги рингларга дадил одим билан бораётганлигини яқинда бўлиб ўтган Мустақиллик кубоги баҳсларидан сўнг яна бир карра исботлади.

Р. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунабн БОЙҚУЗИЕВ, Эскиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрнии ВОҲИДОВ, Мирзакмал МИРАЛИМОВ, Саиддиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулиҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадрнзо ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Ю. Бекмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—599. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 00.40.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6